

CONTENTS AND EDUCATIONAL SIGNIFICANCE OF STORIES**Choriev Zufarbek**

3rd year student of Uzbek philology at TerSU

Scientific adviser: Norkulova Shahnoza Tulkinovna,

He is a senior lecturer at TerSU

shaxnozanorqulova8@gmail.com

**“ҲАҚИҚАТНОМА” МАСНАВИЙСИ ҲИКОЯТЛАРИНИНГ
МАЗМУНИЙ ҲАЛҚАСИ ВА ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ****Чориев Зуфарбек**

ТерДУ ўзбек филологияси III курс талабаси

Илмий раҳбар: Норкулова Шаҳноза Тўлкиновна,

ТерДУ катта ўқитувчиси

shaxnozanorqulova8@gmail.com

Саййид Қосимий XV асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган ва ўз адабий мероси билан ўзбек мумтоз адабиёти тарихи саҳифасида муносиб ўрин эгаллаган шоирлар сирасига тааллуқли. Аммо Саййид Қосимийнинг ҳаёт йўли, таржимаи ҳоли ҳақида тўлиқ маълумотлар жуда кам, ҳатто тўғриси йўқ ҳисобида. Шоир асарларида ҳам таржимаи ҳолга ишора қилувчи ўринлар ёки маълумотлар айтирлик учрамайди, бу ҳам юқорида айтилганларни исботлайди. Саййид Қосимийдан катта бадиий мерос етиб келган, унинг тўрт маснавийси мавжуд ва уларнинг жами нашр этилган. Булар: “Мажмаул ахбор” (“Хабарлар тўплами”), “Ҳақиқатнома”, “Гулшани роз”, (“Сирлар гулшани”), “Илоҳийнома” асарларидир. Биз шу асарлардан “Ҳақиқатнома” ва “Садоқатнома” асарларини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. “Ҳақиқатнома” анъанавий муқаддимотлар билан ибтидо топади, унда “Ҳамд” (Худо таърифи), “Наът” (Пайғамбар мадҳи), “Муножот” (Худодан нажот сўраш) мавжуд. Бу анъанавий муқаддимотлар ўзига хос жанр жиҳатларини намоён этади, зотан “Ҳамд”, “Наът”, “Муножот”лар алоҳида жанрлардир. Асарнинг “Ҳақиқатнома” деб номланишида ҳам чуқур рамзий маъно мавжуд, унинг замирида Оллоҳга ишора яшириндир.

“Ҳақиқатнома” деб очасига “Ҳамд”да жаҳон мушкулени осон қилувчи Оллоҳ таоло инсон лойини муҳаббат суви билан қориди дейилади:

Ки, ҳал қилса жаҳоннинг мушкилини,

Муҳаббат суйидан қилди гилини¹.

Оллоҳ ҳар ишга қодир, у инсоннинг ботиний (ички) ва зоҳирий (ташки) сирларидан ҳамиша воқиф:

Эликим аввалу охирда улдур,

Ҳамиша зоҳиру ботинда улдур (128).

“Наът” Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг Оллоҳ томонидан яратилиши билан бошланади:

Таола-л-лоҳким айни ҳикматидин,

Муҳаммадни яратди раҳматидин (129).

Пайғамбаримиз алайҳис-салом Оллоҳ ҳамдами ва ҳақиқат хазинасининг сирдоши дея таърифланади:

Ҳақиқат маҳзанининг маҳраמידир,

Худованди жаҳоннинг ҳамдамидир (129).

Шоир маснавийнинг “Муножот” қисмида ўз асарини Хоразмий “Муҳаббатнома”сидан илҳомланиб ёзганини таъкидлайди. Лекин “Ҳақиқатнома” ва “Муҳаббатнома”нинг мундарижаси бир-бирига мувофиқ тушмайди, балки уларнинг таркиби айрича хусусиятларга эга. Қизиғи “Ҳақиқатнома” 1459 (ҳижрий 863) йилда ва “Муҳаббатнома” 1353 (ҳижрий 754) йилда ёзиб

¹. Саййид Қосимий. Маснавийлар мажмуаси.—Тошкент: Фан, 1992.—Б. 128. Бундан буён саҳифа рақами қавс ичида берилади.

тугалланган, орадаги масофа юз йилдан зиёдроқ. Бу ҳали ХУ асрнинг иккинчи ярмида ҳам Хоразмий “Муҳаббатнома”сининг шухрати барқарорлигини исботловчи далилдир. Шоир “Муножот”да ўз асарини туркийда, яъни туркий тилда битаётганлигидан фахрланади, ҳаяжонини яшира олмайди:

Ки, туркий бирла назм этсам китобе,
Анинг ҳар ҳарфи бўлса фатҳе бобе (130).

“Муножот” изидан “Дар баёни насиҳат гўяд” (“Насиҳат баёнида айтур”) боби бошланади, унинг илк байтида бобнинг ғоявий мазмунини очиб беради:

Ҳақиқат гар эурсан толиби роҳ,
Адаб бирла оёқ бос, бўлғил огоҳ (130).

Бу бодан сўнг “Оғози китоб” (“Китобнинг бошланиши”) келади, у китобнинг бошланиши бўлса-да, ғоявий томондан дебоча бобларига муштарак. Шу боис асарни муқаддима бобларини баралла равишда, “оғози китоб”ни ҳам қўшган ҳолда беш бобдан иборат деса бўлади. Шундай қилиб, “Дар хатми китоб” (“Китобнинг тугаши ҳақида”) боби ва асосий ўн икки боб ҳаммаси қўшилиб, ўн саккиз бобни ташкил қилади. Асарнинг асосий боблари ўн икки бобдир, унда, яъни ҳар бир бобда кичик дебоча, ҳикоят ва “Тамоми суҳан” (“Сўзнинг тугаши”) қисми мавжуд. Боблар “боби аввал” (“Биринчи боб”) ва “Боби чаҳорум” (“Тўртинчи боб”) тарзида номланади, ана шу номланишлар боб дебочаси ҳамдир.

Ҳар бир бобнинг дебочасида, ҳикоят охирида ва “тамоми суҳан”нинг сўнггида шоир ўз таҳаллусини қўллайди. Бу ҳолат асарнинг “Наът”, “Дар баёни насиҳат гўяд”, “Оғози китоб”, “Дар хатми китоб” бобларига ҳам тегишлидир. Асосий ўн икки бобнинг ҳар бир боби уч қисмга бўлинади дедик, булар: боб рақамини кўрсатувчи кириш қисми, унда мавзу белгилаб олинади ва шу мавзуга хос ва мос ҳикоят берилади, ниҳоят “тамоми суҳан”да боб мавзуи ҳамда ғоясига якун ясалади. Ҳикоятларнинг аксари Қуръоний ва тасаввуфий ғоялар ила суғорилган бўлиб инсонлар одоб-ахлоққа, яхшиликка, эзгуликка даъват этилади. Умуман “Ҳақиқатнома”даги ўн икки ҳикоят турфа мазмунларга бойлиги билан ажралиб туради. Шоир ҳикоятлардаги ғоявий мазмунни кучайтириш учун тез-тез бадий санъатларга мурожаат қилиб туради. Жумладан:

Саҳарким, урди дам султони ховар,
Яшурди пардаи нилийда ахтар.
Ҳабаш мулкини олди Рум шоҳи.
Насиб изларға бўлди муру моҳий (132). – сингари муболаға ва шунингдек:
Муҳаббат нури тутти ичу тошин,
Қўзиндин окузуб ол қон ёшин (136).

Кетур, соқий, равон ул жоми Жамдин,
Халос этгил мани бу дарду ғамдин (137).

Бор эди бир қизи чун моҳи тобон,
Сочи куфрида зоҳир нури имон (153).

Ғаҳи шамъу ғаҳи парвонадурлар,
Ғаҳи оқил, ғаҳи девонадурлар (164).

Халойиқ жам ўлиб урса танура,

Ани ёндирсалар солиб танура (174). – каби тазод, талмих, ташбиҳ, тақрир, тажнис санъатлари шулар жумласидандир.

“Ҳақиқатнома” маснавийси анъанавий ҳамду наътлар билан бошланади, кейин муножот келади, Оллоҳга бағишланган ҳамда ой ва қуёшнинг, тун ва куннинг яратилишига урғу берилиб, Оллоҳнинг ҳар бир заррада намоён бўлиши эътирофини топади:

Яқин билса гумон била камолин,
Аён ҳар заррада кўрса жамолин (128).

Дарҳақиқат барча нарса Оллоҳнинг ҳукми натижасидир:

Анинг ҳукми биладур ойу анжум,

Кеча-кундуз гаҳе пайдо гаҳе гум (128).

Оллоҳнинг бошланиши бўлмаганидек унинг охири ҳам йўқ:

Топулмас ибтидосига бидоят,

Кўрунмас интиҳосига ниҳоят (128).

Пайғамбаримиз Муҳаммад алаҳис-салом ҳақидаги наът (мақтов)да унинг муҳаббатдан яратилгани, анбиё (наби)ларнинг шоҳи эканлиги куйланади:

Муҳаббатдин Муҳаммад бўлди пайдо,

Ки улдур мойи ҳар суду савдо.

Муҳаммад подшоҳи анбиёдур,

Тапуғчи қулларидан авлиёдур (129).

Наътнинг ўзига хос талабидан келиб чиқилиб чориёрларга ҳам ишора этиб ўтилади:

Маснавийнинг “Муножот” қисмида муаллиф ўз режалари ҳақида гапириб, уларнинг ижобат бўлишида Оллоҳ мадад беришини сўрайди:

Худованди ба ҳаққи оли ёсин,

Иноят қилки бу баъво эясин (130).

Шунингдек, шоир “Муножот”да ўз маснавийсининг номи, уни “Муҳаббатнома” баҳрида айтиш истаги борлигини билдириб ўтади:

“Ҳақиқатнома” қўйсам онинг отин,

Баён қилсам бурун қилар сифатин.

Маъониб дуррини оламға ёйсам,

“Муҳаббатнома”нинг баҳрида айсам (130).

Одатан муножот (ўзаги нажот) да шоирлар ўз гуноҳлари учун Оллоҳ олдида тавба-тазарру қилишади. Саййид Қосимий “Муножот”ида бу ҳолат кўринмайди, у тамоман бошқа йўналишга эга. Унда нари борса шоир ўз ижодий режалари хусусида сўзлайди, маснавийнинг яратилиши билан боғлиқ ҳодисаларга эътиборни қаратади. Омонат умр вафо қилса, Оллоҳ мададкор бўлса, пирлар қўллаб-қувватласа ниятларнинг амалга ошиши осонлашади:

Манга умри азиз этса вафое,

Ажалдин тегмаса жавру жафое.

Эронлар ҳиммати дастгир бўлса,

Ниёзи дил қабули пир бўлса.

Ёйин элга сўзнинг гавҳарини,

Тузайин назми туркий дафтари (130).

“Муножот” изидан “Дар баёни насихат гўяд” (“Насихат баёнида дейди”) боби келади, ушбу бобда муаллиф кишиларни эзгуликка чорлайди, бу унинг илк байтиданоқ бошланади:

Ҳақиқат гар эрурсан толиби роҳ,

Адаб бирла оёқ бос, бўлғил огоҳ (130),

Ҳақ (Оллоҳ) йўлида тўғри қадам бос, шунда ғам чўлида адашиб қолмағайсан:

Қадам тузлук била қўй ҳақ йўлинда,

Ки анқаб қолмағайсан ғам чўлинда (131).

Дунё ўзи бевафо, у ўта мураккаб, шунинг учун кўзингни катта оч, ўтганлар мазорини зиёрат қилиб тур кам бўлмайсан:

Алардин ибрат ол, эй марди оқил,

Ўлимдин бўлмағил бир лаҳза ғофил (131).

Адабиётлар

1. Саййид Қосимий Маснавийлар мажмуаси. Нашрга тайёрловчи: Б.Қосимхонов.- Тошкент: Фан 1992. -238 б.
2. Қосимхонов Б. Саййид Қосимий маснавийсида ҳикматлар//Адабий мерос.-1983.-№4 (28).- Б.12-15.
3. Қосимхонов Б. Саййид Қосимийнинг адабий-дидактик дostonлари.-Тошкент: Фан, 1987. -149 б.
4. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик. 1-том.-Тошкент Фан, 1978. - 328 б.

